

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Нуфузли таълим даргоҳи

Бекобод тиббиёт коллежи — пойтахт вилоятидаги нуфузли таълим даргоҳларидан бири. Коллеж жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида кенг қўламли ишларни олиб бормоқда.

Барча замонавий шарт-шароитларга эга таълим муассасасида айти пайтда 1993 нафар ўқувчи турган — ҳамширалик иши, акушерлик иши, тиббий-профилактика иши ва даволаш иши мутахассисликлари бўйича тахсил олишмоқда. Ўшбу мутахассисликлар бўйича ўқувчи ёшларга 114 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ беришяпти. Хусусан, халқ таълими аълочилари — Мақсуда Қосимова, Олтино Юлдошева ва Фароғат Тошмухамедовалар ўқув жараёнига таълимнинг янги усул ва услубларини жорий этиб, қўнчилиққа ибрат бўлишмоқда.

Республикамизда таълим соҳасига, аynиқса, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимига давлат миқёсида катта эътибор берилмоқда, — дейди коллеж директори Абдувосит Юнусов. Бунинг



натijasida, ҳатто чекка қишлоқларимизда ҳам кўркем ва шинам, барча шароитларга эга бўлган замонавий касб-хунар коллежлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Ўшбу таълим муассасаларининг дарслик ва қўлланмалар, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан етарли даражада таъминлангани ҳам таълим сифати ва кўрсаткичларининг юксалишига хизмат қилаяпти, албатта. Жумладан, бизнинг тиббиёт коллеж-имизда ҳам ўқувчиларимиз талаб даражасида таълим

олиб, касб сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Ҳақиқатдан ҳам коллежда ўқувчиларга яратилган замонавий шарт-шароитлар, қўлайликларни қўриб ҳавасингиз келади. 3 та лаборатория хонаси, 32 та фан-ўқув хонаси барча асбоб-ускуналар, адабиётлар ва ўқув қўлланмалари билан жиҳозланган. 16 та ўқув амалиёт хонасида эса бўлғуси ҳамширалар ўз назарий билимларини амалиётда синаб кўриш имконияти мавжуд.

Дарвоқе, Тошкент тиббиёт академияси билан яқин ҳамкорлик қилинаётгани, академиянинг педагогик жамоаси томонидан коллежга ўқув-услубий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам эътиборга молик. Қолаверса, ўқувчилар ўқув амалиётларини даволаш-профилактика муассасаларида ўтказишмоқда. Бу ўқувчиларнинг назарий таълим жараёнида олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, мутахассисликлари бўйича зарур кўникмаларга эга бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида ишга туширилган 825 ўринли Иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи шу йилнинг ўзидаёқ 420 нафар ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Ҳозир уларга бу ерда 50 нафар малакали ўқитувчи ва мураббийлар — молия, бухгалтерия, банк иши, тиқувчилик, компьютер ўрнаштириш ва таъмирлаш, ёниги ва мойлаш материаллари билан ишлаш, автомобильлар ремонтни каби турли хил йўналишлар бўйича сабоқ бермоқдалар.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси изчиллиги Марғилон шаҳрида яна бир бор намойён бўлди.

Бу ердаги Бурхониддин Марғиновий кўчасида 36 оилага мўлжалланган турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. «Бунёдкор» хусусий корхонаси томонидан қайта таъмирланган масжуд бино ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида берилди.

Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Тошкент Фотосуратлар уйида «Хитой ўзбекистонлик фоторассомлар нигоҳида» номли кўргазма очилди.

Хитой Халқ Республикасининг 60 йиллигига бағишланган мазкур кўргазма Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий жамиятлари Кенгаши ҳамда мамлакатимиздаги Хитой Халқ Республикаси элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент шаҳридаги

«ИШОНЧ-ИМОН»

ногиронлар шўъба корхонаси жамоаси

Барча устозларни,
таълим соҳаси фидойиларини, ўқитувчи ва мураббийларни бугунги бетакрор айёмлари билан чин дилдан қутлайди.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини барчангизга муборак бўлсин!

Юртимиз равнақи, ватанимиз тараққиёти, янги авлод камолоти йўлидаги машаққатли, айти пайтда шарафли ишларингизда сизларга омад тилаймиз.

Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг, азиз устозлар!



Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги

«AFSAR COMPANY LTD»

қўшма корхонаси жамоаси

Ёш авлодни камол топтиришдек улғувор ишни ҳалол,
сидқидилдан адо этаётган мамлакатимиз ўқитувчи-мураббийларини
шарафли ва ардоқли касб байрамлари билан
самимий муборакбод этади.

Истиқлол берган тексин имкониятлар туфайли янада кадрланиб,
эъзозланаётган касбу қоринингиздан ҳамиша бафақа топини,
азиз устозлар!



Айём қувонғлари сизларни ҳеҳ қалон тарқ этмасин.



ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН

«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14
ISSN 2091-5217

Мавзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жовлатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Мухаммад АЛИ,

Мамазоир
ХУҶАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖУРАЕВ.

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат
таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи — Эминжон ЮЛДОШЕВ